



ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a60

**Рузибаева Наргиза Хакимовна -
катта ўқитувчи, Самарқанд
иқтисодиёт ва сервис институти**

Аннотация. Мақолада туристик корхоналарда инновацион фоалият тушунчасининг иқтисодий мазмуни назарий жиҳатдан ўрганилди. Айтиш жоизки, туризм соҳасида инновациялар турли йўналишларда ривожланниб бормоқда ва бошқа соҳалар сингари туризм фоалиятидаги ҳам инновацияларни кенг жорий этиши давр талабидир. Туристик корхоналарда инновацион фоалият дараражаси ва соҳадаги рақобат дараражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кузатилди. Туризм соҳасида инновацияларни технологик инновацияларга нисбатан кенгроқ кўриб чиқиш ва улар, аввало, туристик корхоналарнинг инновацион фоалиятини ташкил этувчи элементларнинг ўзаро алоқалари мажмууаси сифатида намоён бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда таҳлил қилинди.

Калим сўзлар: инновацион фоалият, индикатор, туристик корхона, инновацион салоҳият, инновацион стратегия, туристик хизмат, инновациялар самарадорлиги.

ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ТУРИСТСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ

**Рузибаева Наргиза Хакимовна -
Старший преподаватель, Самаркандинский
институт экономики и сервиса**

Аннотация. В статье теоретически исследовано экономическое содержание понятия инновационной деятельности туристских предприятий. Следует отметить, что инновации в сфере туризма развиваются по разным направлениям, и широкое внедрение инноваций в туристическую деятельность, как и в другие отрасли, является насущной необходимостью. Корреляция между уровнем инновационной активности и уровнем конкуренции в сфере наблюдалась у туристических предприятий. Инновации в сфере туризма анализированы с учетом более широкого рассмотрения технологических новшеств и того, что они могут выступать, прежде всего, как совокупность взаимодействий элементов, составляющих инновационную деятельность туристских предприятий.

Ключевые слова: инновационная деятельность, индикатор, туристское предприятие, инновационный потенциал, инновационная стратегия, туристское обслуживание, эффективность инноваций.

INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE ACTIVITIES IN TOURIST ENTERPRISES

**Ruzibaeva Nargiza Xakimovna -
Senior Lecturer, Samarkand
Institute of Economics and Service**

Abstract. The article theoretically explores the economic content of the concept of innovative activity in tourism enterprises. It should be noted that innovations in the field of tourism are developing in different directions, and the widespread introduction of innovations in tourism, as well as in other areas, is a requirement of the times. There is a correlation between the level of innovative activity in tourism enterprises and the level of competition in the industry. The innovations in the field of tourism were analyzed in a broader sense than technological innovations, taking into account that they can be manifested primarily as a set of interactions of the elements that make up the innovative activity of tourism enterprises. Also, the effectiveness of innovation in tourism enterprises, indicators of innovation activity, innovation development indices were studied.

Key words: innovative activity, indicator, tourism enterprise, innovative potential, innovation strategy, tourist service, innovation efficiency.

Кириш. Инновацион жараённинг муҳим хусусияти шундаки, уни ўзига хос "доимий ҳаракат машинаси" деб аташ мумкин. Шунга кўра, ривожланишнинг инновацион йўли нафақат бугунги кунимизни, балки келажак авлодлар учун ҳам келажакни яхшилайдиган йўлдир. Инновацияларнинг асосий мезонлари унинг рентабеллиги бўлиб, инновацияларни жорий этиш ҳисси фойда олиш билан боғлиқ. Самарали натижга даромад, маҳсулот ёки хизматнинг рақобатбардошлигини ошириш, бозор улушкини кўпайтириш ва ҳоказоларга боғлиқ. Инновация-

ларни жорий этиш жараёни ўз-ўзидан мақсад эмас, балки тараққиёт воситасидир. Жорий ва келгуси йилларда ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиши инновацион жараённинг роли билан тавсифланади [1].

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатишида инновациялар ишлаб чиқаришида бўлгани каби зарурдир. Албатта, туризм соҳасини стратегик муҳим ва устувор деб тан олиш туризм соҳасида инновацион фоалиятни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади. Ахир инновациялар иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шу жумладан,

туризмда рақобатбардошлики оширувчи омил ҳисобланади. Мамлакатимиз учун Ўзбекистон туристик маҳсулотининг рақобатбардошлиги масаласи, айниқса, долзарбdir.

Мамлакатимизда туризмнинг иқтисодий ролини аниқлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосий сабаби статистик маълумот тўплаш тизимининг йўқлигидир. Инновациялар илмий фикр ютуқларини мужассамлаш ва қўллаш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан қараганда, туризм инновациялар учун фавқулодда улкан соҳадир, чунки у мураккаб тармоқлараро ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Туризм нафақат янги маҳсулот ёки хизматни яратади, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида жорий қилинган инновациялардан ҳам фойдаланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида инновацияларнинг роли муҳимлиги сабабли туристик корхоналарда “инновацион фаолият” таърифини батафсил ўрганишга эҳтиёж бор, бу, ўз навбатида, ушбу концепциянинг моҳиятини тушунишга ёрдам беради. Ҳозирги вақтда иқтисодий адабиётлар ушбу тушунчани турлича талқин қилмоқда, ундаги барча атамалар мазмуни жиҳатидан ҳар хил, аммо улар моҳиятан деярли бир хил. Туристик корхоналарда “инновацион фаолият” атамасини очиб берадиган бир нечта таърифлар мавжуд, яъни:

- туризмдаги инновацияларни тадқиқ этиш билан шуғулланадиган В.С.Новиковнинг таъкидлашича, туризм бизнеси тўпланган билимлар пойдеворига таянади ва ўтмишдаги ва ҳозирги куннинг иш шакллари ва усулларини билиб, ўргангандан кейингина янги ғояларни амалга ошириш ва туризмнинг янги йўналишларини яратишни бошлаш керак. Инновациялар моҳиятини чуқур англаш сизга туристик фаолиятни ташкил этишининг янги усуллари, саёҳатчиларга хизмат кўрсатишнинг янги технологияларини ишлаб чиқариш ва рақобатчилардан устун туриш имконини беради [2].

Туристик корхоналарда инновацион фаолият янги ёки мавжуд маҳсулотни ўзгартиришга, транспорт, меҳмонхона ва бошқа хизматларни яхшилашга, янги бозорларни ривожлантиришга, замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари ва ташкилий, бошқарув фаолиятининг замонавий шаклларини жорий этишга қаратилган.

Т.А.Фролованинг фикрича, туристик корхоналар инновацион фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат: анъанавий хизматларни кўрсатишда янги техника ва технологиялардан фойдаланиш; янги хусусиятларга эга янги хизматларни жорий этиш; илгари ишлатилмаган янги туристик ресурслардан

фойдаланиш; анъанавий туризм хизматларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ташкил этишдаги ўзгаришлар; туризм хизматлари ва товарлари учун янги бозорларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш [3].

Г.А.Яковлев ўз асарларида туризмдаги инновацион фаолиятнинг асосий йўналишларини белгилашга нисбатан бироз бошқача ёндашувни кўрсатди. Унинг фикрига кўра, туристик корхоналар инновацион фаолиятининг асосий йўналишлари анъанавий хизматларни кўрсатишда янги техника ва технологиялардан фойдаланиш, янги хусусиятларга эга янги хизматларни жорий этиш, анъанавий туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, илгари фойдаланилмаган туристик ресурсларни жалб қилиш, идентификациялаш, туризм хизматлари ва товарлари учун янги бозорларни аниқлаш ва улардан фойдаланишдир. Г.А.Яковлев ушбу тасниф қайси принцип асосида амалга оширилганлигини кўрсатмаган [4].

А.А.Харин фикрига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, туристик корхоналарда инновацион фаолият илмий тадқиқотлар давомида олинган натижалар ва ишланмаларни тубдан янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида кейинчалик бозорда, амалда қабул қилинган тубдан янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён амалга ошириладиган фаолиятдир [5].

Кўриб чиқилган таърифларни умумлаштириб айтиш мумкинки, туристик корхоналарда инновацияларнинг ўзига хослиги қуйидагилар билан белгиланади, деган хуносага келишимиз мумкин: анъанавий транспорт, меҳмонхона ва бошқа хизматларни тақдим этишда замонавий ахборот-телекоммуникация ускуналари ва технологияларидан фойдаланиш; анъанавий хизматларни янги хусусиятлар билан тўлдириш ва янги хизматларни жорий этиш; анъанавий туристик хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда ташкилий ва бошқарув фаолиятининг замонавий шаклларидан фойдаланиш; туризм хизматлари ва товарлари учун янги бозорларни аниқлаш ва улардан фойдаланишдир.

Тадқиқот методологияси. Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, тизимили ёндашув, маълумотларни гурухлаш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Туризмдаги инновацион ўзгаришлар самарали ўсишнинг ички энергиясини яратади. Ушбу ўзгаришлар мувозанатни бузади, аммо кейинги ривожланиш тизимнинг янги сифатга ўтиши учун асос яратади. Шу сабабли айнан янгиликларни ҳаётга професионал тарзда жорий этиш маълум бир соҳанинг ривожланиши ҳисобланади. Жамият та-

раққиётининг замонавий мутахассислари бу-гунги кунда бизнес дуч келадиган муаммолар-нинг ҳеч бири инновация муаммосидан кўра му-ҳимроқ ва мураккаброқ эмаслигини таъкидлай-дилар. Туристик корхоналарда инновациялар табиий равишда, умуман, бутун соҳа ҳолатига таъсир қиласди.

Инновацияларнинг асосий функциялари қўйидагилар ҳисобланади:

- янги ишлаб чиқариш кучлари ишлаб чиқаришга жалб қилинади;
- туристик корхонанинг харажатларини камайтириш;
- меҳнат ва ишлаб чиқариш самарадор-лигини ошириш;
- туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш;
- туристик хизматлар сифатини ошириш орқали ҳар бир инсон ва умуман, жамият ҳаёт даражасини ошириш;
- туризм соҳасида талаб ва таклиф му-вознатини сақлаш;
- инсоннинг интеллектуал меҳнати нати-жаси бўлган ижодий фаолиятнинг янада ўсиши-ни рағбатлантиради.

Инновацион ривожланиш йўлини танла-ган корхоналар рақобатбардош бўлиб, бозорда етакчи компанияларга айланади. Сифатли ва ўз вақтида яратилган инновацияларга асосланган рақобат корхоналарнинг фаолият давомийлиги-нинг муҳим шарти саналади ҳамда янги илмий натижаларни ривожлантириш ва тижоратлаштиришда ҳал қилувчи омил бўлади.

Масалан, ахборот технологиялари соҳаси-даги ишланмалар меҳмонхоналар, туристик корхоналар, транспорт компаниялари ва шу кабилар томонидан кенг қўлланилади. Туристик маҳсулотни яратиш, сайёҳларга хизмат кўр-сатиш, авиабилетлар ва поездларга чипталарни брон қилиш – бу жараёнларнинг барчаси ахборот технологиялари соҳасидаги сўнгги ишлан-маларни жорий этиш билан сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиди. Шундай қилиб, туризм иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида инновацияларсиз мавжуд бўлмайди, деган по-зицияни яна бир бор тасдиқлайди. Туризм, уму-ман, бутун иқтисодиёт ҳолатининг кўрсатки-чидир.

Инновациялар рақобатбардош устунлик ва иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ҳисобланади, инновациялар бўйича тадқиқотлар жуда кўп ва хилма-хилдир. Бироқ ҳозирги кунгача инновациялар бўйича олиб борилган тадқиқот-ларнинг аксарияти ишлаб чиқариш соҳасига қа-ратилган. Тадқиқотчilar хизматлар соҳасида олиб борилаётган изланишларнинг этишмасли-гига ишора қилдилар, баъзилари эса маҳсулот

ишлаб чиқариш назарияларини хизматларга татбиқ этиш қийин деб тахмин қилиши [6].

Инновацион фаолият келажақдаги ривож-ланишнинг устувор йўналишига айланиши ке-рак, чунки у валюта тушумининг катта қисмини таъминлаши, миллий пул тизимини мустаҳкам-лаш ва аҳолини иш билан таъминлаши мумкин. Туризм соҳасидаги корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиявий-иқтисодий тартибга со-лиш фаол инвестиция сиёсати ва кредитлаш, та-биий туризм ресурсларидан фойдаланганлик учун тўловлар механизмини тақомиллаштириш, самарали солиқ ва нарх сиёсати орқали амалга оширилиши керак. Корхонанинг самарали инно-вацион стратегияси минтақавий туризм бозори-нинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кела-жақдаги муваффақият омилларини аниқлаш ор-қали туристик корхона фаолияти самарадорли-гини ошириш мақсадида инновацияларни яра-тиш орқали рақобатдош устунликларга эга бў-лишни ўз ичига олади.

Корхоналарда инвестициялар самарадор-лигини ошириш, шунингдек, корхонанинг инно-вацион сиёсатини амалга ошириш учун ҳам ин-вестицион режалаштириш ҳам кўпинча муқобил инвестицион лойиҳалар рентабеллигини оши-риш учун ишлатилади [7].

Корхонанинг инновацион фаолияти фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғланишдир. Бу корхонанинг илмий-техник ва интеллектуал са-лоҳиятини амалга ошириш бўйича чора-тадбир-лар тизимиdir, унинг мақсади янги маҳсулот, хизмат, ишлаб чиқариш усулини олиш ёки уларни алоҳида истеъмолчиларнинг талаблари ва умуман, жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун тақомиллаштиришдир. Инновацион фао-лият, шунингдек, инновацияларга олиб келади-ган технологик, илмий, тижорат, ташкилий тад-бирлар мажмуаси сифатида белгиланади. Инно-вацион жараён янгиликларни тадқиқ этиш, ри-вожлантириш, синовдан ўтказиш ва самарадор-лигини баҳолаш босқичларини ўз ичига олади. Инновацион трансформациялар – инновацион фаолиятни амалга ошириш натижасида маҳсу-лотлар, хизматлар, бизнес жараёнлар, ёндашув-лар сифат кўрсаткичларининг ўзгаришидир.

Савол туғилади: туристик корхоналарда инновацион жараёнларнинг самарадорлигини қандай баҳолаш мумкин?

Инновациялар самарадорлигини баҳолаш-да бир нечта ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар нафақат ишлатилган кўрсаткичлар, балки турли тадқиқот объектлари бўйича ҳам фарқланади: инновацион лойиҳа, инновацион фаолият, инно-вацион ривожланиш ва шу кабилар. Корхона-нинг инновацияга мойиллиги (сезгирилги) истеъмолчилар талабини қондириш мақсадида янгиликларни тез ва самарали ўзлаштириш,

инновацияларни яратиш ва амалга ошириш ва янгиликларни қабул қилиш қобилиятидир. Бунга иқтисодий, ташкилий, психологик, ижтимоий, техник ва бошқа кўплаб омиллар таъсир қиласи[8]. “Инновация индикаторлари” тўпламида инновацияларнинг асосий кўрсаткичлари қўйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг инновацион фаоллиги;
- инновацион фаолиятнинг айрим турларини амалга оширган ташкилотларнинг технологик инновацияларни амалга оширган ташкилотларнинг умумий сонидаги улуши;
- технологик янгиликларни амалга оширадиган ташкилотларда илмий тадқиқот бўлинмалари;
- инновацион товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми;
- инновацион товарлар, ишлар, хизматлар экспорти ҳажми;
- ички ва ташқи бозорда сотиш ҳажмидаги инновацион товарлар, ишлар, хизматларнинг улуши;
- инновацион товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг тизими;
- инновацион фаолият натижаларининг рейтинги;
- технологик инновацияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг умумий сонидаги технологик алмашинувда иштирок этадиган ташкилотларнинг улуши;
- технологик инновацияларни амалга оширадиган ташкилотларда тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш бўйича қўшмалойиҳалар;
- технологик инновацияларга қилинган харажатлар миқдори;
- молиялаштириш манбалари бўйича технологик инновациялар харажатлари;
- технологик инновацияларнинг умумий нархидаги айрим турдаги инновациялар учун харажатларнинг улуши;
- технологик инновация учун ахборот манбаларининг рейтинги;
- технологик инновацияларга тўсқинлик қилувчи омилларнинг рейтинги [9].

Ушбу индикаторлар инновациялар ҳажми ва тузилишини акс эттиради, аммо улар кўриб чиқилаётган жараённинг сифат жиҳатларини мутлақо кўрсатмайди. Олинган натижалар билан таққосланмасдан, инновациялар нархини ҳисобга олиш амалий аҳамиятга эга эмас. Тадқиқотчиларнинг яна бир гуруҳи қўйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олган инновацияларни ривожлантириш индексидан фойдаланишини таклиф қиласи:

- инновацион салоҳият;
- инновацияларни тижоратлаштиришдаги салоҳият;

-инновацион сиёсатнинг натижавийлиги[10].

Ҳар бир компонент инновацион ривожланишга қўшган ҳиссасини акс эттирувчи мос келадиган вазн коэффициенти омилига эга. Ушбу усул аввалгисидан фарқ қиласи, чунки у инновацияларнинг барча жабҳаларига – ижоддан натижаларга қадар таъсир қиласи. Ушбу услугуб худудий даражадаги инновацион ривожланишни баҳолашда кўлланилади. Туризм соҳаси учун бундай тизим муҳим аҳамиятга эга, чунки инновацион ривожланишнинг умумий кўрсаткичлари туризм соҳасидаги инновацион ривожланиш кўрсаткичлари билан алмаштирилиши мумкин. Аммо бу усулнинг камчиликлари ҳам бор ва улардан энг аҳамиятлиси шундаки, индекс қиймати реал вазиятни фақат бошқа худудлар кўрсаткичлари билан таққослагандага акс эттиради. Ҳеч шубҳа йўқки, инновация бугунги кунда, айниқса, туризм соҳасида муваффақиятли ривожланишнинг долзарб талабидир.

Самарадорлик даражаси кўплаб омилларга боғлиқ. Ушбу омиллар қаторига туризм корхоналари фаолият кўрсатаётган мамлакат молиявий-иқтисодий фаолияти ривожланишнинг умумий даражаси, инвестиция, фискал ва молиявий сиёсат масалалари, шунингдек, давлатнинг стратегик сиёсатни шакллантиришдаги устувор йўналишлари киради. Ушбу гуруҳга ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ва рақамли иқтисодиёт ҳолатидаги ривожланиш киради, бу эса туризм соҳасидаги ишлайдиган корхоналар фаолияти электрон муҳитга ўтишига олиб келади. Махсус омилларга 1-расмда келтириб ўтилган кўрсаткичлар киради. Инновацияларни жорий этиш самараси нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳада ҳам намоён бўлади, бу ерда даромадларни ошириш орқали ижтимоий эҳтиёжлар тўлиқ қондирилади ва турмуш даражаси яхшиланади. Умуман олганда, инновациянинг иқтисодий самарадорлиги иқтисодий фойдани натижани келтириб чиқарган харажатлар билан таққослаш орқали аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, янги туристик маҳсулотнинг самарадорлиги уни ишлаб чиқаришга сарфланган маблағни олиб ташлаган ҳолда лойиҳа эгаларига қанча фойда келтиришига боғлиқ. Миллий инновацион тизимлар тафсилотлари жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қиласа-да, улар умумий хусусиятларга эга. Инновацион тизимнинг ишлаши учун у маълум бир тузилишга эга бўлиши керак, яъни ўзаро таъсир қилувчи элементлар тўпламини ўз ичига олиши керак. Муҳим элементлардан бири турли институтлар ва университетлар тадқиқотчилари ўртасида норасмий ўзаро алоқаларни таъминлайдиган илмий муассасалар, алоҳида мутахассислар, мураккаб ижтимоий тармоқларни ўз ичига олган ижодий компонентdir.



1-расм. Туристик корхона самарадорлигига таъсир қилувчи ўзига хос омилларнинг асосий таркибий қисмлари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Кейинги элемент – технологияни узатиш блоки. Туризм тизимини бошқариш моҳияттан инновациондир, акс ҳолда туризмни асрнинг ҳодисаси деб ҳисоблаш учун хеч қандай сабаб бўлмайди. Қарорларни қабул қилиш самарадорлиги менежерларнинг янгиликни кутиш, тан олиш, амалга ошириш қобилиятлари билан белгиланади, уларни статик деб бўлмайди. Шу билан бирга, инновацион менежментнинг ўзига хос хусусияти – бошқарув қарорларини қабул қилиш ва туристик ташкилотнинг ички имкониятларини ташқи мухит ўзгаришига мослаштиришнинг белгиланган йўналишларини амалга ошириш учун чекланган вақт. Туристик корхонага диагностика қилишнинг асосий мақсади инновацион салоҳиятни ўз вақтида тан олиш, таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва инновацион жараёнларни фаоллаштириш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқишидир. Кўпинча, туристик корхона инновацион ўзгаришларда пассивлигини молиявий қийинчиликлар билан боғлайди ва диагностика зарурлигини маблағ йиғишиш чораларини асослашда кўради. Аммо бу факт корхона фаолиятига янгиликларни киришини бутунлай тарк этиш зарурлигини англатмайди.

Туристик корхоналар юқори турбулентлик ва тез ўзгарувчанлик билан ажralиб турадиган рақобатдош бозорда ишлайди. Самарали рақобатлашиш учун туристик корхоналар хараткларни камайтириш ёки мижозлар талабига жавоб берадиган янги юқори сифатли маҳсулотларни таклиф қилишда юқори даражада инновацион бўлиши керак. Хеч бир мамлакат ёки минтақа нафақат ўзининг табиий бойлиги ёки маданий меросига ишониши мумкин, балки жаҳон туризм бозорида рақобатбардош бўлиш учун инновацияларни қўллаб-қувватлаш стратегиялари зарур [11]. Айни пайтда туризм соҳасида инновацион ривожланиш даражасини

аниқлаш учун ҳисоблаб чиқиладиган ва баҳоланадиган миқдорий кўрсаткичлар мавжуд эмас. Аммо туризмнинг умумий инновацион ривожланишини тавсифловчи баъзи кўрсаткичлар мавжуд. Буларга миқдорий ва сифат кўрсаткичлари киради. Туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш учун туристик хизматларни амалга оширишнинг миқдорий ҳажмини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш таклиф этилади. Туристик оқим ҳажмини тавсифловчи кўрсаткичларга туристларнинг умумий сони, тур кунлари сони ва туристик кунларнинг ўртача ойлик сони киради. Сайёҳларнинг умумий сони саёҳат сабабларидан қатъи назар, саёҳат қилган одамлар сони билан ўлчанади. Ушбу кўрсаткич аҳолини туристик фаолият билан қамраб олиш кўламини тавсифлайди ва рўйхатдан ўтган кунларда, яъни хизмат кўрсатишининг биринчи кунида хизматга қабул қилинган барча туристларнинг маълум даврдаги йиғиндиси сифатида аниқланади. Бундан ташқари туристик корхоналар инновацион фаолиятининг асосий тамойилларини 2-расмда кўриб чиқамиз.

Ўзбекистондаги ички ва кирувчи туризмга давлат ва бизнеснинг ўзаро манбаатли ҳамкорлигига асосланган тубдан янги ёндашув зарур бўлиб, бу мамлакатимизнинг инновацион туризм салоҳиятни тўлиқ очиб беради. Инновацион фаолиятни амалга оширишнинг энг муҳим шарти фаолият самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизимининг мавжудлигидир. Факатгина таклиф қилинган кўрсаткичлар тизими орқали барча ички ва ташқи ўзгаришларга ўз вақтида жавоб бериш ва тузатишлар киритиш мумкин. Инновацион фаолият кўрсаткичлари тизимини яратиш учун туризмнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари тажрибасини ҳисобга олиш зарур.



2-расм. Туристик корхоналар инновацион фаолиятининг асосий тамойиллари

Манба: муаллиф ишланмаси.

Инновациялар янгилик, туристик маршрутларни яратиш, ривожлантириш, илм-фан, техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда туризмни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, менежмент ва маркетинг соҳаларидаги илғор тажриба, уларни амалга ошириш мамлакат ва минтақаларнинг туристик имижини яхшилади. Туризм соҳасини инновацион ривожлантиришнинг самарали методологиясини яратиш учун минтақа, мамлакат ёки битта корхона ичida инновацион ривожланишга ҳисса кўшадиган ёки аксинча, инновацион фаолиятни чеклайдиган барча кўрсаткичларни баҳолаш зарур. Бунинг учун, биринчи навбатда, барча миқдорий кўрсаткичлар ҳисобланади, чунки улар маълум бир ҳудудда туристик фаолиятнинг ривожланиш динамикасини аниқ акс эттиради. Кейинчалик ташқи муҳитни таҳлил қилиш, яъни қонун ва қоидаларни ўрганиш, бошқа туризм корхоналарининг инновацион фаолиятига риоя қилиш керак. Туризмда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларидан бири маҳсус маълумотга эга бўлган малакали кадрлардир. Туристик корхона томонидан жалб қилинган IT-технологияларнинг миқдори ва сифатига катта эътибор берилади.

Хулоса ва таклифлар. Туризм соҳасининг барча таркибий қисмларига фан-техника тараққиёти таъсир қилиши керак. Фақатгина туризм соҳасининг барча элементлари бундай ўзаро таъсиригина туризм секторининг ўсиши сифатида ифодаланган муҳим синергетик эфект

пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Натижада ўз туристик маҳсулотига биринчи бўлиб янги истеъмолчи фазилатлари ва хусусиятларини берадиган ва истеъмолчини ушбу янгиликларга қизиқтиришни биладиган киши ғолиб бўлади.

Шунингдек, туристик корхоналар фаолиятини баҳолаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф қилинган мезонлар, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш тамойиллари ва туристик корхоналарнинг самарадорлик даражасига бевосита таъсир кўрсатадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда, биз бундай комплекс ёндашув жаҳон иқтисодиётининг устун турларидан бири сифатида халқаро туризмнинг самарасини оширишга ёрдам беради, деган холосага келишимиз мумкин.

Туристик корхоналарда самарали инновацион стратегия ишлаб чиқилса, мамлакат туризм бозорининг барча хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда келажақдаги муваффақиятли омилларни аниқлаш орқали туристик корхоналар инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида кўпроқ инновацион хизмат турларини яратиш орқали рақобатбардош устунликларга эга бўлади.

Шундай қилиб, туризмдаги инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, туристик корхоналар доимо замонавий тенденциялар ва инновацияларга риоя қилишлари керак, чунки тайёр ва амалдаги туристик маҳсулот доимий равишда модернизация қилиниши шарт.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Zaynalov J.R., Alieva S.S. *Investment Process and Problems of its Regulation in Developing Conditions of Innovative Activity of Enterprises.* // Middle European Scientific Bulletin. – Т., 2022. С. 101-106.
2. Новиков В.С. *Инновации в туризме* [Текст]. / В.С.Новиков. – М.: ИЦ «Академия», 2007.
3. Фролова Т.А. *Экономика и управление в сфере социально-культурного сервиса и туризма. Конспект лекций* [Текст]. / Т.А.Фролова. – Таганрог: Изд-во ТТИ ЮФУ, 2011.
4. Яковлев Г.А. *Основные направления инновационной деятельности в туризме* [Электронный ресурс]. / *Scientific World.* Режим доступа: <http://www.sworld.com>.
5. Харин А.А. *Управление инновационными процессами: учебник для образовательных организаций высшего образования.* / А.А.Харин, И.Л.Коленский, А.А.Харин-мл. – М., Берлин: Директ-Медиа, 2016. – 472 с.
6. Sipe L.J., Testa M. *What is Innovation in the Hospitality and Tourism Marketplace? A Suggested Research Framework and Outputs Typology.* // International CHRIE Conference-Refereed. 2000. Т. 22. Р. 3-12.
7. Зайналов Д.Р., Алиева С.С., Расулов Ш.Ж. *Систематизация инновационной деятельности фермерских хозяйств.* // Направления повышения стратегической конкурентоспособности аграрного сектора экономики. 2016. С. 109-115.
8. Якимович Г.Б., Пантиюхова Т.С. *Инновационная деятельность в туристическом бизнесе.* Монография. – СПб.: СПбГУСЭ, 2011. – 175 с.
9. Андреева А.А. *Формирование системы показателей эффективности инновационной деятельности в туризме.* / Вестник РМАи № 1(7) 2013, с. 43-47.
10. Бортник И.М. [и др.]. *Система оценки и мониторинга инновационного развития регионов РФ.* // *Инновационная экономика.* 2012. № 9.
11. Martínez-Pérez A., Elchea D., M. García-Villaverde P. *From diversity of interorganizational relationships to radical innovation in tourism destination: The role of knowledge exploration.* // *Journal of Destination Marketing & Management.* 2019. Т. 11. Р. 80-88.